O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 11-iyul • Shanba • 82 (30.043) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хусусий мулкчилик шакли йўлга қўйилди, эркин савдога кенг йўл очилди ва бозорларимиз қайта чирой очди. Уларнинг фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги савдо уюшмалари, концерн ва фирмалар тузилди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ВА ИСЛОҲОТ

***Юртимизда соғлом авлодни камол топтириш учун барча шарт-шароит ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборда.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ислоҳотларга бағишланган семинарда шулар ҳақида гап борди.

Анжуман парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ёшларнинг таълим-тарбияси, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва спорт билан шуғулланишини намунали ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига доир юздан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам болаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Тадбирда мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганлиги алоҳида таъкидланди. Болаларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**(ЎзА)**

*ЎзХДП ҳаёти*

## ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

### *партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг диққат марказида бўлмоғи керак*

Фарғона вилоят ва Бувайда туман партия кенгашлари ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати «Инқирозга қарши дастурнинг ижтимоий устуворликлари ижросини таъминлашда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг вазифалари» мавзусига бағишланди.

Унда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган ижтимоий устуворликлардан келиб чиқиб, аҳолини иш билан таъминлаш масалалари ва уни амалга оширишда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг ўрни ҳамда уларнинг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўлларига эътибор қаратилди. Бу борада партия электорати орасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

— Дастурда белгиланган ижтимоий масалалар ижросини таъминлаш ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, депутатлик гуруҳининг муҳим вазифасидир, — деди туман партия кенгаши раиси Ҳабибахон Тошматова. — Бу борада, аввало, дастурнинг мазмун-моҳиятини ўзимиз тўлиқ англаб, сўнгра электоратга тушунтиришга ҳаракат қилдик. Белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ҳар бир фуқаро маълум даражада масъул эканлиги ва ўз ҳиссасини қўшиши зарурлиги тарғиботчиларимиз орқали аҳолига тушунтирилди. Эндиги вазифа уларнинг ижросини мониторинг қилиш, белгиланган устуворликларни ҳал этишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришдир.

Тадбирда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида туманда амалга оширилган ишлар, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижроси таҳлил қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*

► Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

## ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ










*Мамлакатимизда бозорларни тартибга келтириш, янгиларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Буни Тошкент шаҳридаги бозорлар мисолида яққол кўриш мумкин. Айни кунда бу ерда қарийб юзга яқин катта-кичик бозор шаҳар аҳли ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Улар ўзининг миллий ва замонавий қиёфаси, тўкинлиги, хизмат кўрсатиш маданиятининг юқори даражаси билан харидорлар эътиборини тортмоқда.*

*Юртимиз азалдан гавжум ва тўкин бозорлари билан довруғ қозонган. Ҳунармандчилик, деҳқончилик каби ишлар билан шуғулланган аҳоли ва Буюк ипак йўлидан ўтган савдо карвонлари ана шу бозорларда маҳсулот мўл-кўллигини таъминлаган.*

***«Ўзга юртга йўлинг тушса, аввал унинг бозорларини бориб кўр», деган нақл бежиз айтилмаган. Зеро, одамларнинг турмуш фаровонлиги, маданияти ва маънавияти айнан бозорларда ўз ифодасини топади.***

*Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хусусий мулкчилик шакли йўлга қўйилди, эркин савдога кенг йўл очилди ва бозорларимиз қайта чирой очди. Уларнинг фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган янги савдо уюшмалари, концерн ва фирмалар тузилди.*

*Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 5 мартда қабул қилинган «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.*

*Ўтган йиллар мобайнида ушбу ҳужжат ижроси юзасидан пойтахтимизда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Олой», «Эски жўва» бозорларида кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. «Фарҳод деҳқон бозори» ҳудуди кенгайтирилиб, автомобиллар учун тўхташ жойи, ихтисослашган доимий савдо дўконлари барпо этилди. Гўшт, балиқ ҳамда гул расталари замонавий услубда қайта жиҳозланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этилди. Савдо расталари сони салкам мингтага кўпайтирилди.*

*«Миробод деҳқон бозори» — пойтахтимизнинг кўркам масканларидан бири. Бу ерда усти ёпиқ 1375 савдо нуқтаси бор. Бундан ташқари, ўнлаб сут ва сут маҳсулотлари растаси, 70 га яқин доимий савдо дўкони фаолият кўрсатмоқда. Яқинда 100 дўкон фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бозорда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.*

*— Шундай замонавий ва қулай бозор қурилганидан хурсандмиз, — дейди «Миробод деҳқон бозори»да анча йиллардан бери савдо қилиб келаётган Умрзоқ Жумаев. — Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги самарасидир.*

*(Давоми 2-бетда)*

*Абитуриент — 2009*

## ЯНГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА...

Шу йил 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Қарорда белгилангандай 2009/2010 ўқув йиллари учун машинасозлик, автомобиль электротехника саноати, энергетика, саноат ва хўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот технологияси йўналишлари бўйича абитуриентлардан ҳужжат қабул қилишга киришилди.

Шуниси қувонарлики, янги олий ўқув юртига илк бор ҳужжатлар қабул қилинаётганига қарамай пойтахтимиздан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларимиздан абитуриентлар келишди. Ҳозирги кунгача мингдан зиёд абитуриентлар ҳужжат топширишди.

Яқин кунларда ушбу янги олий ўқув юртида ҳам тест синовлари бўлиб ўтади ва 200 нафар энг иқтидорли ёш Мустақиллигимиз 18 йиллиги байрамидан кейин Тошкентда фаолиятини тўлақонли бошлайдиган Турин политехника университетида таҳсил олишга киришадилар.

**Асрор МЎМИН**

*Бош прокуратурада*

## КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

**Мустақиллик йилларида республикада одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Бу соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, одамларнинг нолегал трафигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди ҳамда уларнинг норма ва стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилинди.**

Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» қонун қабул қилинди, Президентнинг 2008 йилдаги Қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) тегишли ўзгартишлар киритилди.

Бугунги кунда республикада барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур иллатга қарши курашиш бўйича ягона стратегия асосида ишлаб чиқилган режага асосан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Лекин амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ҳудудий комиссияларнинг фаолиятида айрим камчиликлар ҳам бор.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий Маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция ана шу масалаларга бағишланди.

Унда Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий Идоралараро комиссияларнинг масъул котиблари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова қатнашди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.**

*Муносабат*

## МАЪРИФАТНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

Вақтнинг чопағонлигини қаранг. Юртимизда Истиқлол эпкинлари эса бошланганига 18 йил бўлаяпти!

**Узоқ йиллар давомида халқ таълими соҳасида ишлаган, мактабга, туман, вилоят халқ таълими тизимида раҳбарлик қилган кекса бир педагог сифатида бу соҳанинг кечаги, бугунги, эртанги куни ҳақида кўп ўйлайман.**

Ҳеч бир муболағасиз таъкидлайманки, бирон даврда таълим тизимига бугунгидай эътибор бўлмаган. Кейинги олти-етти йилнинг ўзида вилоятимизда мавжуд 304 та мактаб ё янгидан қурилди, ёки бутунлай реконструкция қилинди. Бу мактаблардаги шарт-шароит энг ривожланган давлатлардагидан зиёда.

Яқин йилларгача, очиғи, таълим соҳасидаги ислоҳотларни тўла-тўкис амалга ошириш қийин бўлса керак, деб ҳисоблардим. Бугунги кунда вилоятимизнинг ўзида фарзандларимизнинг узлуксиз таълим олишини таъминлаш учун мактабгача таълим муассасалари ва мактаблардан ташқари 44 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей, 1 та университет иш юритаётгани таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг моддий-техник базаси тўкис яратилганини кўрсатади. Вилоятнинг ҳар бир шаҳар-туманида иш юритаётган иқтидорли болалар мактаб-интернатлари, мусиқа, санъат, спорт мактаблари қобилиятли фарзандларимизнинг истеъдодини шакллантиришга хизмат қилаяпти. Бундай таълим тизими ҳозирда ўз меваларини бераяпти. Умумтаълим мактабларида, мактаб-интернатларда, академик лицейларда таълим олган ўнга яқин сирдарёлик йигит-қизлар Германия, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ коллеж ва университетларида ўқишни давом эттираётгани фикримиз далилидир.

Яқинда мактаб ўқувчиларининг Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақалари спорт ишқибозларининг ёдидан ўчгани йўқ. Вилоятимиздаги барча фахрийларнинг фикрини ифодалаб шуни айтишим мумкинки, бир пайтлар ҳансираб ётган Мирзачўл ерида бундай тантаналарни ўтказиш тарихий воқеадир. «Кичик олимпиада» баҳонасида йигирма минг кишилик марказий ўйингоҳ, «Алпомиш» номидаги, «Динамо» теннис кортлари, 4-мавзедаги улкан спорт мажмуаси, равон асфальт кўчалар, янги гулзорлар, хиёбонлар қўриқ воҳа аҳлининг ихтиёрида қолди. Энг муҳими, болаларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига, спортга муҳаббат абадий муҳрланиб қолди, улар учун кенг имкониятлар яратилди.

**Мен бу ўзгаришларнинг ҳаммасини Истиқлолимиз тантанаси деб тушунаман.**

Мустақиллик байрами олдидан босиб ўтган йилларимизга назар ташлар эканман, халқимиз Юртбошимиз теварагига якдил жипслашган ҳолда маърифат йўлидан ёрқин келажаги сари бораётганидан бахтиёрман.

**Музаффар ҲАКИМОВ,**
**Халқ таълими фахрийси.**



МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ 2



«МЕҲР НУРИ» ҚЎМАГИДА 3



«БУНЁДКОР» – «ПАХТАКОР» – ?! 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

